

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ДАВРИГА ҚАДАР БЕЗОРИЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Рахимов Бобир Истамович

Жиноят ишлари бўйича

Шайхонтохур туман судининг судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10522574>

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбекистонда ислом даврига қадар безорилик учун жиноий жавобгарликка доир масалалар баён этилган.

Шунингдек, мақолада муаллиф “Авесто”да безорилик сифатида ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш, мажбуран тортиб олиш, ҳаттоки низоли мулкни мажбуран олиб қўйиш, бу қилмиш қонуний эгаси томонидан содир этилган бўлса ҳам безорилик деб ҳисобланиши билан боғлиқ фикрларни ҳам таҳлил этган.

Калит сўлари: Авесто, ахлоқ нормалар, безорилик, жиноят, жазо, жавобгарлик, мулк, одат нормалар, шахслар, зарурий белги.

Маълумки, Авесто милoddан аввалги юз минг йилликларда Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги халқларнинг диний, ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тизими ҳақида ҳикоя қилувчи дастлабки ёзма манбадир. “Авесто” билан танишиб, унинг бир қанча шеърларида кишилар ўртасидаги ҳуқ-атвор қоидалари, оила ва ниқоҳ муносабатлари, жиноят ва унга бериладиган жазо ва бошқа қонунлар тўғрисида маълумотлар берилганлигини кўриш мумкин. Шу сабабли “Авесто” ўзбек давлатчилиги қадимги даврининг асосий ҳуқуқий манбаларидан бири, дейишимиз мумкин.

Оромий ёзувида битилган мазкур манба 21 наска (китоб)дан ташкил топганлиги аниқланган. Авестошунос олим М.Исҳоқов изланишларига кўра Авестонинг 8-наски “Ҳуқуқий масалалар”; 16-наски эса “Адлия ва ҳарбий қонунлар, ниқоҳда қариндошликка қарши қонунлар, диннинг асосий аҳқомлари”га бағишланган¹. Шу билан бирга, Авестода жиноят ва жазо масалалари ҳам атрофлича тартибга солинган. Жиноятлар қуйидаги турларга бўлинган: шахсга қарши жиноятлар; динга қарши жиноятлар; мулкка қарши жиноятлар; ҳайвонларга қарши жиноятлар; ахлоққа қарши жиноятлар; табиатга қарши жиноятлар². Демак, Авесто ўша давр учун маълум тизимга эга бўлган универсал кодекс вазифасини бажарган.

“Авесто”нинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат: аниқ тизим (тармоқлар) йўқлиги, ҳуқуқий нормаларни тақдим этиш казуистик хусусияти, бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳуқуқ тармоқлари ўзаро чатишиб кетиши.

Бироқ, мазкур ҳуқуқий ёдгорликда безорилик жиноятларини ажратиш кўрсатиш тенденцияси шакллана бошлаган. Хусусан, жамоат тартибига қарши жиноятларни (ҳақоратлаш, худоларга шак келтириш) содир этганлик учун тегишли жазолар алоҳида кўрсатила бошлаган³.

Шунингдек, Авесто қонунларида фарзанд тарбияси масаласига катта эътибор

¹ Бобоев Х, Дўстжонов Т, Хасанов С. «Авесто»- Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. -Т.: ТМИ, 2004. –Б.13.

² Ўша асар. –Б.21.

³ Елифанов П. П., Елифанова О. П. Хрестоматия по истории СССР с древнейших времен до 1861 года: учеб. пособие для пед. ин-тов. М.: Просвещение, 1987. 288 с.

қаратилган. Ўғил болалар тарбияси бўйича ўрнатилган талабларга кўра, улар 50 дан ортиқ ҳарбий қурол ишлата олишни билишлари ва турли хил ҳунарлардан ташқари, 32 хил ҳарбий ҳунарни билишлари керак бўлган. Қиз болалар эса ип йигириш, либослар тикиш, пазандачилик каби уй ҳунармандчилиги билан бир қаторда, қиличбозлик, сувда сузиш, камондан ўқ отиш каби ҳарбий малакаларни ҳам эгаллаши шарт бўлган. Шахснинг болалар тарбиясига бўлган масъулияти ижтимоий назорат тизими орқали жамоа аъзолари ва уруғ оқсоқоллари томонидан кузатиб борилган.

Қадимги дунё ҳужжатлари ичида биз қарийб илк марта безорилик ниятида содир этиладиган тажовузлар ҳақида қайдларни кўришимиз мумкин. Диндан қайтиш (яздондушмани), динсизлик (зиндики) ўша давр ҳуқуқий ҳужжатида жамиятга қарши жиноятлар деб қайд этилади. Мазкур ҳужжатда ушбу ном остида алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, бу ўша даврдаёқ аллақачон жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни ажратиш бошланганини кўрсатади. Шуниси эътиборга лойиқки, бундай турдаги жиноятлар безорилик мақсадида таърифланади, бунинг учун калтаклаш, ўз она юртидан бадарға қилиш ва одамни қулга айлантириш, мол-мулкни талон-тарож қилиш кўзда тутилади.

“Авесто”да безорилик сифатида ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш, мажбуран тортиб олиш ҳам тушуниланган эди. Хаттоки низоли мулкни мажбуран олиб қўйиш, бу қилмиш қонуний эгаси томонидан содир этилган бўлса ҳам, безорилик деб ҳисобланган. Бу ҳолда, унинг буюмга эгалик ҳуқуқи бузилмаган, бироқ у бошқа томондан унга қонунга хилоф эгалик қилиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Яъни, бунда ўзбошимчалик жинояти безорилик сифатида кўрилишини кузатиш мумкин.

Айрим ҳолларда шартномани бажармаслик ҳам жамоатга қарши жиноят деб ҳисобланган. Масалан, “Вендидад”нинг “Фаргард” 4-қисми 1-сатрида бошқа шахснинг мулкни олган шахс уни эгасига қайтаришдан бош тортса, унинг қилмиши жамиятга қарши безорилик ҳисобланиб, албатта, унинг айби сезиларли даражада ортган⁴. Кеч зардуштийлик даврида “яхши сўз” тушунчаси янада конкретлашиб, сўзни бузмаслик, келишувларга риоя қилиш, барча тижорат ишларида ҳалол иш тутиш, қарзни қайтариш ва ҳоказоларни буюради.

Ўрта Осиёнинг кўчманчи халқлари орасида бир неча асрлар давомида миллий урф-одатлар ҳуқуқ манбаи ҳисобланиб келган. Улар оғзаки характерга эга бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган ва одат ҳуқуқи деб аталган. Улар мазмунига кўра аниқ, ихчам бўлиб, кўчманчи халқлар вакиллари томонидан осон идрок этилган эди⁵.

Ҳозирги вақтда одат ҳуқуқининг Жети Жарги улкан қўлёзма манбаси мавжуд бўлгани (тахминан, XVII аср охири - XVIII аср бошларида) фанда расман исботланган. Афсуски, ушбу ноёб ҳужжатнинг асли бизгача етиб келмади, биз унинг сифати ва мазмунини фақат рус саёҳатчилари ва тадқиқотчиларининг ёзувлари асосида баҳолай оламиз⁶. Ушбу қўлда ёзилган манбани ўрганиш орқали одат ҳуқуқи нормаларини, шунингдек, безорилик тусидаги жиноятлар учун жавобгарлик соҳасидаги жиноят қонунчилигининг ўша даврдаги ҳолатини тушуниш мумкин.

⁴ Қаранг.: Авеста. Кн. 1. – Душанбе, 2014. - С. 483.

⁵ Самоквасов Д. Я. Сборник обычного права сибирских инородцев. Варшава: Тип. И. Носковского, 1876. – С.5.

⁶ Гавердовский Я. П. Обзорение киргиз-кайсацких степей // Сибирский вестник. СПб., 1820. Ч. 9. С. 93-124.

Хўш, Жети Жарғи қандай жиноятларни ўз ичига олган? Ушбу ҳужжатда қуйидаги соҳаларга оид қоидалар мавжуд эди: оилавий, давлат, процессуал, фуқаролик ва жиноий. Жиноят ишлар деярли етакчи ўринни эгаллаган. Бу мажмуада зино, жароҳат етказиш, ота-она ва катталарни ҳурмат қилмаслик, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик, қотиллик, ҳақорат, инцест, қондош қариндош билан яқинлик қилиш, калтаклаш ва, албатта, талон-тарож турли шакллари акс этган⁷.

Қайд этилган қўлёзма қонун ҳужжатида “безорилик” тушунчаси, албатта, алоҳида ажратилмаган, аммо ота-она ва катталарни ҳурмат қилмаслик, ҳақорат, баданга шикаст етказиш каби қилмишлар орқали алоҳида намоён бўлган. Безориликнинг юқоридаги ҳолатлари бўйича иш юритишда қилмиш жойи, характери ва ҳуқуқбузарнинг шахси масалалари ҳисобга олинган. Одат ҳуқуқи бўйича айбдор шахс катта жарма тўлаши ёки бадарға бўлиши шарт эди. Албатта, жиноятчининг ўзи жиноят содир этиш учун жавобгар эди, аммо жавобгарлик барча яқин қариндошларнинг елкасига тушадиган ҳолатлар ҳам назарда тутилган.

Илгари безорилик талончилик ва босқинчилик каби қилмишларга ўхшаш деб берилган, холбуки улар тавсифловчи хусусиятларига кўра анча фарқ қилади. Жумладан босқинчилик ўзганинг мол-мулкига эгалик қилиш мақсадида қотилликдан иборат эди⁸. Ўша даврда йўловчи, сайёҳларга нисбатан уларнинг йўлида содир этиладиган жиноятлар тез-тез учраган, баъзан безорилик ва мол-мулкни очикдан-очик тортиб олиш ва тарқатиб ташлаш, жамоат жойида зўравонлик қилиш кузатилган. Жиноят ҳуқуқининг кўриб чиқилган ёдгорликларида “безорилик”нинг аниқ таърифи ҳали мавжуд бўлмаган (у кейинроқ пайдо бўлади)⁹.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи оддий ҳуқуқий канонлардан мураккаб кодификациялашган жиноят қонунчилигига қадар мураккаб тадрижий йўлни босиб ўтган. Безорилик учун жавобгарлик Қадимги Ўзбекистон (Авесто) ҳужжатлари, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган аҳолисининг одат ҳуқуқи нормаларида ҳам қайд этиб ўтилган.

⁷ Султанов Т.И., Абусейтова М. Х. Общество и культура // История Казахстана и Центральной Азии: учеб. пособие / под ред. Т. И. Султанова. Алма-Ата: БШМ, 2001. С. 365.

⁸ Кораблев Р.Н. К вопросу о периодизации уголовного права в рамках становления и развития институтов особенной части // Пробелы в российском законодательстве. 2015. № 4. С. 191-194.

⁹ Қаранг.: Islamic criminal law and procedure. - New York, 1988. - P. 49.